

# Ота-онага яхшилик қилиш фарзанд учун саодатдир

15:28 / 22.04.2017 7239

Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам ота онага яхшилик қилиш буюрилган. Уламоларимиз динимизда буюрилган амалларда бандалар учун албатта манфаатлар бордир, деганлар. Яъни, динимизда қайси бир ишни қилишга буйруқ келган бўлса, ўша ишни бажарган киши албатта ундан манфаат олади. Демак уламоларимизнинг сўзларига кўра ота-онасига яхшилик қилган фарзанд бу ишидан албатта манфаат олади. Шу маънода ота-онасига яхшилик қилган фарзанд қуйидаги улуғ манфаатларга эришади:

1. Ота-онасига яхшилик қилиш туфайли фарзанднинг бошига тушган кулфатлари аритилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ота-онага яхшилик қилиш фарзанд учун ҳалокатдан қутулиш воситаси экани ҳақида шундай деганлар:

أَمَّنَّ يَبَّ لَأَقُؤَنَّ مَلَسُو هِيَلَعِ لَلِإِلِصَّ لَلِإِلِوَسَّرُ نَعَزْمُ عِنَبِ لَلِإِلِذَّبَعَنَّ عَمَّوَرَاغَمَفِ يَلَعُ تَطْحُنَافِ لَبَجِ يَفِرَاغِ يَلِإِ أَوْأَفِ رَطْمُ لَأُمُودَحَّ أُنُوشَمَتِي رَفَنُةَ ثَالَتِ أَهُؤْمُتَلَمَعِ أَلْأَمَّأُ أُوْرُطْنِإِ ضَعَبِلْ مُهُضَعَبِ لَأَقَفِ مُهَيَلَعُ تَقَبَطْنِأَفِ لَبَجُ لَأَمُةَ حَصَّ سُمُّ لَلِأُمُودَحَّ أَلْأَقَفِ. مُكُنَّ عِ أُهُجُرْفِيَّ لَلِإِلِغَلِ أَوَبِ يَلِأَعَتَّ لَلِأُوغِدَافِ لَلِةَ حَلِأَصِ إِإِفِ مُهَيَلَعِ يَغْرَأُ رَاغِصُةَ يَبِصَّ يَلِوِ يَتَأْرَمُ أَوِ نَارِي بَبَكِنِ أَخِي شَرِنِ إِدِلِ أَوِ يَلِ نَأَكُؤَنَّ إِ مَّوَيَّ تَأَذِ يَبِ يَأْنُ هُنَّ أَوِ يَنَبِ لَبَقِ أُمُهُتِي قَسَفِ يَدِلِ أَوَبِ تَأَدَبَفِ تَبَلَحِ مُهَيَلَعُ تَحْرَأُ تُتِيحَفِ بُلَحِ أَتُنُّكِ أَمَكُ تَبَلَحَفِ أَمَانُ دَقِ أُمُهُتِي دَجُ وَفِ تِي سَمَّأُ يَّتَحِ تَأَمَلَفِ رَجَّ شَلِ أَيْبِصَّ لَلِأَقِ سَأُ نَأُ هَرَكَ أَوِ أَمُهُمُ وَنُ نَمُ أُمُهُ طِقُ وَأُ نَأُ هَرَكَ أَمُهُ سِوُؤُ دُنُّعُ تَمُقَفِ بَلِأَخِ لِبَابِ عَلَطِ يَّتَحِ مُهَبُّ أَدُوِ يَبُأَدُ كِلَذِ لَزِي مَلَفِ يَمَدَقِ دُنُّعِ وَنُوعِ أَضَتِي أَيَّبِصَّ لَلِأَوِ أُمُهُ لَبَقِ يَرَنُةَ جُرْفِ أَهُنَمِ أِنَلِ جُرْفِ أَفِ كُهُجُ وَءَاغَتَبِ أَلِذِ تَلَعَفِ يَنَأُ مَلَعَتِ تَنُّكُ إِفِ رَجَفِ لَأُ مَلَسُمُ هَاوَرِ. ءَأَمَّسَلِ أَهُنَمِ أُوْرَفِ ءَهُجُرْفِ أَهُنَمُ هَلَلِ جَرَفَفِ. ءَأَمَّسَلِ أَهُنَمِ

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: Уч нафар киши кетиб боришарди. Ёмғирда қолишиб тоғдаги бир ғорга кириб олдилар. Шу пайт тоғдан бир қоя тош улар яширинган ғорнинг оғзига қулаб тушиб уларни ичкарига бекитиб қўйди. Шунда улар бир-бирларига: - Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларингни ўйлаб кўринглار, ўшаларни восита қилиб Аллоҳга дуо қилинглар, шояд Аллоҳ сизлардан буни аритса, дейишди. Улардан бири шундай деди: - эй Аллоҳим, менинг ёшлари улғайган кекса ота онам, аёлим ҳамда ёш

болаларим бор эди. Чўпонлик қилиб уларга озуқа келтирар эдим. Қачон молларни яйловдан қайтариб келсам сут соғиб олар ва болаларимдан олдин ота онамга сут берар эдим. Бир куни узоқдаги дарахтларга кетиб қолибман. Уйга кеч қайтдим, келганимда ота онам ухлаб қолишган эди. Одатдагидек сут соғиб олдим. Сут идишни олиб келиб уларнинг бошларида турдим. Уларни уйқуларидан уйғотишни хоҳламадим, улардан олдин болаларимга сут беришни ҳам истамадим. Болаларим оёқларим олдида йиғлаб туришарди. Мен ҳам, улар ҳам шу ҳолатда то тонг отгунча турган эдик. Агар ўша ишимни Сенинг розилигингни истаб қилганимни билсанг бундан бизга бир тешик очгин ундан самони кўрайлик. Аллоҳ ундан бир тешик очди, улар у тешикдан самони кўрдилар. Муслим ривояти.

2. Ота-онага яхшилик қилиш фарзанднинг гуноҳи кабираларига каффорот бўлади. Ота онага яхшилик қилиш фарзанд учун қанчалар муҳим экани ҳақида машҳур саҳобий Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай деганлар:

أهبطخو ينحكنتن تبأف ةأرما تبطخي نإ : لاقف لجرهءا ه أن سابع نبا ن ع  
كأم أ : لاق ؟ ةبوت ن م يل لهف اهتلتقف ، اه يل ع ترغف هحكنت نأ تبأف يرغ  
ءاطع لاق ، لجرلأ بهذف هيل برقتو لجرع هللأ لىلأ ب ت : لاق ال : لاق ؟ ةيح  
رب ن م هللأ لىلأ برقأ الم ع ملعأ ال ي نإ : لاقف ، هم ةايح ن ع سابع نبا تلأسف  
درفم لآ بدالآ يف يراخبلأ هاور « ةدلأولأ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ёнларига бир киши келиб: мен бир аёлга совчи қўйдим. У мен билан никоҳланишдан бош тортди. Бошқа бир киши совчи қўйган эди у билан никоҳланишни маъқул кўрди. Рашким келиб у аёлни ўлдириб қўйдим. Менга бирор тавба қилиш (имкони) борми, деди. Шунда у зот: - онанг ҳаётми, дедилар. У:- йўқ, деди. У зот:- Аллоҳ азза ва жаллага тавба қил ва Унга муқарраб бўл, дедилар. У киши кетди. Ато айтади: Ибн Аббосдан у кишининг онасининг ҳаётини нима учун суриштиргани сўрадим. У зот: мен онага яхшилик қилишдан кўра Аллоҳга муқарраброқ бирор амални билмайман, деб жавоб бердилар. Бухорий "Адабул муфрад"да ривоят қилган.

3. Ота-онага яхшилик қилиш фарзанднинг ризқи кенг ва умри узун бўлишига сабаб бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ота онага яхшилик қилишнинг мукофоти қанчалар катта бўлиши ҳақида шундай деганлар:

دمي نأ بح أنم : ملس و هيلع هللا ىلص هللا لوسر لاق : لاق كلام نب سن أنع  
يقه لبلا هاور هم حر لصيل و هيدلا وربيل ف هقزري ف ديزي و هرمع ي هللا

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: ким Аллоҳ таоло унинг умрини узун, ризқини зиёда қилишини яхши кўрса, ота онасига яхшилик қилсин, қариндошлик алоқаларини боғласин. Байҳақий ривояти.

4. Ота-онанинг дуосини олиш фарзанднинг дунё ва охирати обод бўлишига сабаб бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам фарзандни отасининг хайрли дуосини олишга ундаб шундай деганлар:

«لَا تُبَايِعْ تِسْمًا وَتَأْوَعُ دُثَالًا» لَاق ملس و هيلع هللا ىلص لبلا نأ ةزيره ىب أنع  
دواد و بلا هاور. «مؤلظم لؤ ةوع دورف اسؤلؤ ةوع دلؤلؤ ةوع دؤ نه ي ف كؤش

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: учта дуо мустажобдир улар(нинг ижобат бўлиши)да бирор шак йўқдир. Отанинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва мазлумнинг дуоси. Абу Давуд ривояти.

5. Ота-онага яхшилик қилиш фарзанднинг қилган амаллари қабул бўлишига ва гуноҳлари кечирилиб жаннатга киришига сабаб бўлади. Ота-онасига яхшилик қилувчи фарзандга жаннат ваъдаси берилган:

هُلْ اَصْفَوْهُ لِمَحْوِ اَهْرُكُهُ تَعَضَّ وَوَاَهْرُكُهُ مُمَّا هَتْ لِمَحْ اَن اَسْحِلْ هِي دِلْ اَوْ بَن اَسْنِ اِلْ اَنْ يِّصَّ وَوَاَهْرُكُهُ شَأْنًا يَنْ عَزَّوْا بَرَّ لَاقَ ةَنْ سَنَ يَغْبِرْ اَغْلَبْ وَّ هُدُشَأْ اَغْلَبْ اِذْ اِىَّ حَ اَرْهَشَ نَ وُثْ اَلْ اَلْ  
ي ف ي لْ حَ لْ صَ اَوْ هَ اَضْرَتْ اَحْ لَ اَصْ لَ مَّ اَنْ اَوْ يِّ دِلْ اَوْ يِّ لَ عَ وَّ يِّ لَ عَ تَ مَّ اَنْ اِ يِّ لَ اَلْ كَ تَ مَّ عَ نَ  
مُ هَ نَ عَ لَّ بَ قَ تَ نَ نِ دِلْ اَلْ كِئْلُ وَا (15) نِ يِّ مَلْ سُمْلَ اَنْ مَ يِّ نِ اَوْ كِئْلُ اَلْ تَبُّتَ يِّ نِ اِ يِّ تِ يِّ رُذْ  
اَوْ نَ اَكْ يِّ دِلْ اَلْ قِ دِّصْ لَ اَلْ دُغْ وَّ ةَنْ حَ لَ اَبَ اَحْ صَ اِ يِّ فِ مَ هَ اِئْ يِّ سَ نَ عَ رَ وَا جَ تَ نَ وَا وِلْ مَ عَ اَمَ نَ سَ حَ  
(16) نَ وُدَّ عَ وِى

Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди. Ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир. Токи, у камолга етиб, қирқ ёшга кирганида : " Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўлган солиҳ(иш)ни қилишимга илҳом бергин. Ва менинг зурриётларимни ҳам солиҳлардан қилгин. Албатта, мен тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонларданман", деди. Ана ўшаларнинг энг яхши амалларини қабул қилиб, ёмонликларини ўтиб юборурмиз. Улар жаннат эгаларидандир. Уларга берилган ҳақ ваъда шулдир .

Ушбу улуғ мукофотларга динимизда буюрилганидек ота-онага яхшилик қилиш орқали эришилади. Шунга кўра ота-онага яхшилик қилиш аслида фарзанднинг ўзи учун улкан саодат ҳисобланади. Шу маънода айтиш мумкинки, динимиз таълимотлари фарзандларни ота-оналарига яхшилик қилишга буюриш орқали барчани ана шу бахту саодатга чорлаб туради:

- Кимки бошига тушадиган кулфатлардан халос бўлишни хоҳласа, албатта ота-онасига яхшилик қилсин;
- Кимки қилиб қўйган гуноҳлари мағфират қилинишини истаса, албатта ота-онасига яхшилик қилсин;
- Кимки ризқи кенг ва умри узун бўлиши учун ҳаракат қилаётган бўлса, албатта ота-онасига яхшилик қилсин;
- Кимки дунёси ҳам, охирати ҳам обод бўлиши учун интилаётган бўлса, албатта ота-онасига яхшилик қилсин;
- Кимки қилган амаллари қабул бўлиши, гуноҳлари кечирилиши ва жаннатга кириши учун уринаётган бўлса, албатта ота-онасига яхшилик қилсин.

Шу ўринда қайси ишларни бажариш ота-онага яхшилик қилиш ҳисобланиши ҳақида ҳам савол пайдо бўлиши табиийдир. Уламоларимиз ота-онага яхшилик қилиш асосан қуйидаги ишларни адо этиш билан бўлишини баён қилганлар:

1. Ота-онага холис ният билан яхшилик қилиш; Яъни улар дунёга келишларига сабаб бўлганлари учунгина эмас, балки Аллоҳ таоло буюргани учун яхшилик қилиш.
2. Ота-онани яхши кўриб улуғлаш;
3. Аллоҳга маъсият бўлмайдиган ўринларда уларга итоат этиш;
4. Ота-онага тавозеъли бўлиш;
5. Ота-она хурсанд бўладиган ишларни қилиш;
6. Ота-онадан олдин овқатланмаслик;
7. Ота-онанинг ҳузурига киришда ҳам, чиқишда ҳам салом бериш;
8. Ота-онанинг олдида овозини баландлатмаслик;

9. Ота-она учун молини сарфлаш;
10. Ота-она яхши кўрадиган кишиларга ҳам яхшилик қилиш;
11. Сафарга ота-онанинг дуоларини олиб чиқиш;
12. Ота-она шариатга мувофиқ қасам ичган бўлсалар уни адо этиш учун ҳаракат қилиш;
13. Ота-онанинг жаҳллари чиқадиган ишларни қилмаслик;
14. Ота-онани исмлари билан чақирмаслик;
15. Ота-онани камситадиган ишлардан сақланиш;
16. Ота-она вафот этганларидан сўнг ҳам уларнинг ҳақларини сақлаш.

Вафот этиб кетган ота-оналарнинг ҳақларини сақлаш қуйидаги ишлар билан амалга оширилади:

- Улар ҳаққига хайрли дуолар қилиб юриш;
- Васиятларини адо этиш;
- Уларнинг дўстларига яхшилик қилиб юриш;
- Улар орқали бўлган қариндошлик алоқаларини сақлаш;
- Улар номидан садақа қилиб туриш;
- Уларнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш.

Аллоҳ таоло бизларни ҳам, фарзандларимизни ҳам ота-онага яхшилик қилиш бахтига муваффақ қилсин.

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, пайғамбаримиз Муҳаммад мустафога салават ва саломлар бўлсин.

***Абдулқодир Абдур Раҳим***